



**OBJECT OF THE CRIME OF VIOLATION OF THE  
PROCEDURE FOR INSPECTIONS AND AUDITS OF  
FINANCIAL AND ECONOMIC ACTIVITIES OF BUSINESS  
ENTITIES AND ITS SIGNS**

**Saipova Javlon Bovaqulovich**

Republic of Uzbekistan Law Enforcement Academy

"Direction of Prosecutorial Activity" 2nd year master's student

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853163>

**ARTICLE INFO**

Received: 01<sup>st</sup> December 2025

Accepted: 07<sup>th</sup> December 2025

Online: 08<sup>th</sup> December 2025

**KEYWORDS**

*Destruction, responsibility,  
necessity, entrepreneurship,  
subjects, activity, inspection,  
revision, violation of order,  
object.*

**ABSTRACT**

*This article analyzes issues related to the object and characteristics of the crime of violating the procedure for inspecting the activities of business entities and auditing financial and economic activities.*

**ОБЪЕКТ И ПРИЗНАКИ ПРЕСТУПЛЕНИЯ В ВИДЕ НАРУШЕНИЯ  
ПОРЯДКА ПРОВЕДЕНИЯ ПРОВЕРОК И РЕВИЗИЙ ФИНАНСОВО-  
ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

**Соипова Жавлона Бовоқулловича**

Республики Узбекистан Академия правоохранительных органов

"Направление прокурорской деятельности" магистрант 2-го курса

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853163>

**ARTICLE INFO**

Received: 01<sup>st</sup> December 2025

Accepted: 07<sup>th</sup> December 2025

Online: 08<sup>th</sup> December 2025

**KEYWORDS**

*Разрушение,  
ответственность,  
необходимость,  
предпринимательство,  
субъекты, деятельность,  
проверка, ревизия, нарушение  
порядка, объект.*

**ABSTRACT**

*В данной статье анализируются вопросы, связанные с объектом и признаками преступления, связанного с нарушением порядка проведения проверок и ревизий финансово-хозяйственной деятельности субъектов предпринимательства.*

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ  
ВА МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАФТИШ ҚИЛИШ  
ТАРТИБИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИ ВА УНИНГ  
БЕЛГИЛАРИ**

**Соипов Жавлон Бовоқуллович**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси



“Прокурорлик фаолияти йуналиши” 2-курс магистратура тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853163>

**ARTICLE INFO**

Received: 01<sup>st</sup> December 2025  
Accepted: 07<sup>th</sup> December 2025  
Online: 08<sup>th</sup> December 2025

**KEYWORDS**

Бузиш, жавобгарлик,  
зарурат, тадбиркорлик,  
субъектлар, фаолият,  
текшириш, тафтиш қилиш,  
тартибини бузиш, объекти.

**ABSTRACT**

Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш жиноятининг объекти ва унинг белгилари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят қонуни нормаларини тўғри қўллаш учун, унинг қандай ижтимоий муносабатларга тажовуз қилганлиги, яъни унинг объектив белгиларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг объектив белгилари унинг объекти ва объектив томонидан иборатдир.

Суд-тергов ходимлари ўртасида ўтказилган сўровномада респондентларнинг тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш жиноятини квалификация қилишдаги қийинчиликлар унинг объекти белгиларини аниқлаш билан боғлиқ деб ҳисоблайдиганлар. 25 %, объектив томон белгиларини аниқлаш билан боғлиқ 41 % ни ташкил этиши маълум бўлди. Мазкур кўрсаткичлар бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш жиноятининг объекти ва объектив томони белгиларини тадқиқ этиш нақадар долзарб аҳамият касб этишини далолат беради.

Жиноят объекти жиноят ҳуқуқи назариясининг бугунги кунга қадар энг кўп таҳлил қилинган, ўз ўрнида энг долзарб соҳаларидан ҳисобланади<sup>1</sup>. Объект лотинча “objectum” сўздан олинган бўлиб, “нарса – субъектга қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реаллик” маъносини билдиради<sup>2</sup>.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноят объекти ҳисобланади. Мазкур нуқтаи назар умумэътироф этилган ва юридик адабиётларда етарлича тадқиқ қилинган ва асосланган.

Жиноят қонунида акс этирилган барча жиноят қайсидир ижтимоий муносабатларга зарар етказди, аниқроғи ижтимоий муносабатларга зарар етмайдиган жиноят мавжуд эмас.

<sup>1</sup> Хасанов Т.Х. Ўғрилик учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш: ю.ф.ф.д. (PhD) дис. ... – Т., 2019. – Б. 40.

<sup>2</sup> А.Мадвалиев. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: – Т., 2019. – Б. 77 бет.



Аммо жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар жиноят объекти ҳисобланмайди. Р.Кабулов таъкидлаганидек, бузилиши жамиятга жиддий хавф туғдирувчи ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни билан муҳофаза этилади.

Қ.Р.Абдурасулова жиноят объектини учга умумий махсус ва бевосита объектларга бўлиб таҳлил қилган бўлса, Р.Кабулов жиноят объекти умумий, турдош, бевосита (махсус) объектларга бўлинишини таъкидлаган<sup>3</sup>.

Жиноятни юридик таҳлил қилиш айбли, ижтимоий хавфли ҳамда жиноий жазога сазовор ғайриҳуқуқий қилмишга нисбатан суднинг жазо қўллаш таҳдиди мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашни, жиноят таркиби – жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилишни англатади. Жиноятнинг объекти эса – жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноий қилмиш туфайли ана шу ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинади ва унга зарар етказилади<sup>4</sup>.

Бу ҳар қандай ижтимоий турдаги муносабат эмас, балки фақатгина жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабат эканлигини англатади.

Объектни таърифлашда жиноий жазога сазовор қилмиш туфайли етказилган ёки етказиш хавфи бўлган зарарнинг моҳияти ва йўналиши тўғрисидаги масала асос қилиб олиниши кераклигидан келиб чиқиб<sup>5</sup>, ижтимоий муносабат<sup>6</sup>, манфаат<sup>7</sup> сифатида ҳам кўрилади. Бироқ, жиноят объекти – ижтимоий муносабат концепцияси яқдиллик билан эътироф этилади.

Жиноят объекти – ижтимоий муносабатларни ажратиш, уларнинг моҳиятини очиш, бошқа жиноят-ҳуқуқий категориялар билан чегарасини белгилаш ва етказиладиган зарар хусусиятини аниқлаш мумкин<sup>8</sup>.

Бошқалар фикрича, объект жиноят таркиби элементи сифатида тажовуз объектнинг ҳуқуқий белгиларини унинг моддий ёки нисбий ифодасида қамраб олади<sup>9</sup> Н.И.Ветровга кўра, нормалар махсус объектга асосан тизимлаштирилган, бўлим ёки боб ўз объектига эга<sup>10</sup>. Бизнингча ҳам миллий жиноят қонунида объекти

<sup>3</sup> Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика: Дис. ... докт. юрид. наук. – Т., 1997. – С. 23.

<sup>4</sup> Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 132.

<sup>5</sup> Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. – М.: Норма, 2001. – С. 45.

<sup>6</sup> Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 152; Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006. – В. 125.; Уголовное право России. Часть Общая: Учебник для ВУЗов / Отв. ред. проф. Кругликов Л.Л. – М.: БЕК, 1999. – С. 117-119; Российское уголовное право. В двух томах. Общая часть. / Под ред. проф. Рарога А.И. – М.: Юрист, 2001. Т.1. – С. 103-105; Шарапов Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 160-167.

<sup>7</sup> Норбугаев Э.Х. Проблемы эффективности правовых мер борьбы с преступностью (теория и практика): Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент, 1991. – С. 32.; Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. Курс лекций. – М., 1996. – С.146-151.

<sup>8</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Жиноят ҳақида таълимот: Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б. 148.

<sup>9</sup> Уголовное право России. Учебник для вузов. В 2 т. Т. 1. Общая часть / Отв. ред. д.ю.н. А.Н.Игнатов и д.ю.н. Ю.А.Красиков. – М., 2008. – С.101.

<sup>10</sup> Ветров Н.И. Уголовное право. Общая часть. – М.: Юнити, 1999. – С. 114.



ўхшаш бўлган жиноятлар бўлимларга, турдош объекти ўхшаш бўлганлар эса бобларга жойлаштирилган.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш жиноятининг объектига тўхталиб ўтарканмиз, айрим олимлар жиноят қонунининг бўлим ва боблари жиноятнинг махсус ва турдош объектларига кўра тузилиши керак<sup>11</sup>, деб ҳисоблайди.

Айрим олимлар ЖКнинг бўлимлари махсус объектга асосан, боби турдош объектга қараб, моддаси эса бевосита объектига кўра тузилиши керак<sup>12</sup>, дейди. Шунга кўра тадқиқ этилаётган жиноятлар объекти хусусида сўз юритганда ЖКнинг XIII<sup>1</sup> боб ЖКнинг “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашин билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” бўлимида жойлашганлигига аҳамият бериш лозим.

Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашин ҳамда унга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий объекти, қоида тариқасида, иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Маълумки, жиноят қонуни Махсус қисми моддаларини тегишли бўлим, бобда жойлашганлиги бўйича уларнинг умумий ва турдош объектларини ажратиш қабул қилинган.

Тадқиқ этилаётган жиноятларнинг махсус объектини ҳам Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт соҳасини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур жиноят таркибларининг объектив белгилари хусусида М.Рустамбаев, олдинроқ қайд этилганидек ЖК 192<sup>2</sup>-м.да назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардан иборат эканлигини тушунтиради<sup>13</sup>.

Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқалар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади<sup>14</sup>.

Умуман олганда ушбу олимларнинг хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жиноятининг объекти масаласидаги қарашлари ўзаро кескин фарқ қилмайди. Биз ҳам мазкур фикрларни эътироф этган ҳолда хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жиноятининг объекти шахснинг мулк ҳуқуқини амалга ошириш эркинлиги

<sup>11</sup> Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть / Б.В.Здравомыслов, В.Ф.Караулов и др.; Под ред. проф. Б.В.Здравомыслова. – М.: Юрист, 2000. – С. 18.

<sup>12</sup> Уголовное право России. Особенная часть: Учебник / Под ред. Ф.П. Сундуrowa, М.В. Талан. М.: Статут, 2012. – С. 662.

<sup>13</sup> Rustambayev M.X. O‘zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to‘ldirilgan va qayta ishlangan – T.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy- texnik instituti, 2018. B. 243.

<sup>14</sup> Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри/Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Акад., 2016. Б.540.



сифатида тушунамиз. Бизнинг мулоҳаза шундаки, ушбу жиноят фақат мулк эгаси ёки мулкый ҳуқуқни амалга ошириш субъекти сифатида тадбиркорлик субъектларинигина эмас, балки ҳар қандай мулкдорнинг мулкый ва ашёвий ҳуқуқларини ҳам қамраб олади. Шу жиҳатдан, хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жиноятининг объекти сифатида жисмоний ёки нодавлат юридик шахсларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар дейиш мумкин.

ЖКнинг 192<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган қилмишнинг объекти масаласида миллий ҳуқуқшунос олимлар яқдил фикрда, яъни бунда жиноятнинг асосий бевосита объекти тадбиркорлик фаолиятини текшириш, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартиби ҳисобланади. Бир гуруҳ олимлар ЖКнинг 192<sup>2</sup>-моддасининг турдош объектини хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади, деб ҳисоблашади<sup>15</sup>.

Қонун чиқарувчи ЖКнинг 192<sup>2</sup>-модда 1-қисмида назарда тутилган қилмишни формал таркибли жиноят сифатида баҳолаган, яъни тафтиш қилишнинг белгиланган тартиби бузилган, тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний равишда текшириш ташаббуси билан чиқилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) деганда, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш тушунилади. Бундай тафтиш қилишнинг ҳуқуқий асоси фақатгина келтирилган қонун ҳужжатлари билан чекланмайди. Жумладан, жиноят-процессуал қонунчиликда ҳам тафтиш ўтказиш тергов ҳаракати сифатида белгиланди<sup>16</sup>.

Унга кўра тадбиркорлик субъектини тафтиш қилиш фақат унинг қонун ҳужжатларини бузганлиги фактлари бўйича қўзғатилган жиноят иши доирасида амалга оширилади. Бунда тафтишга тадбиркорлик субъектининг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олинishi мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш жиноятининг объекти ва унинг белгилари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа уқшаш жиноятлардан фарқлаш имконини беради.

<sup>15</sup> Махкамов О. ва бошқ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қарши жиноятлар. Илмий-амалий рисола. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Р.А.Зуфаров. – Т.: ТДЮУ, 2016. Б.13.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.01.2020 й., 03/20/601/0025-сон